

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Магистр Самохиддин Мавланов
Банк молия Академияси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг трансформация жараёнлари, тенденциялари, афзалликлари ва ривожланиш стратегияси борасидаги муаммолар ҳамда хатарлар ўрганилган. Шунингдек, тижорат банклари трансформацияси жараёнида хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар ва мутахассисларнинг фикрлари ўрганилди, ҳамда трансформация жараёнларини амалга оширилган хорижий банкларнинг босиб ўтган йўллари кўриб чиқилди.

Таянч сўзлар: Банк, трансформация, кредитлаш, геосиёсат, рақамлаштириш, стратегия.

Annotation: This article examines the transformation processes, trends, advantages and problems and risks of the commercial banks of the Republic of Uzbekistan. Also, the opinions of foreign and local economists and experts were studied during the transformation of commercial banks, and the paths taken by foreign banks that underwent transformation processes were considered.

Key words: Banking, transformation, lending, geopolitics, digitization, strategy.

Кириш:

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий миллий мақсадли бу аҳолининг барқарор ўсиши, ўртача умр кўриш, реал даромадлар, ижтимоий таъминот, камбағалликни қисқартириш, уй-жой коммунал шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришда инновацион фаолликни ошириш, рақамли технологияларни жадал жорий этиш, иқтисодий ўсиш суръатларини юқори даражага олиб чиқиш ва импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришдир. Мазкур масалаларни ҳал этиш ва стратегик вазифаларни амалга ошириш асосан Тижорат банкларида кредит тизимининг самарали ишлаши билан боғлиқ бўлади.

Банк фаолиятини трансформация жараёнлари кўплаб омиллар, хусусан технологик, ташкилий, бозор, ижтимоий, сиёсий омиллар таъсири остида содир бўлади. Уларнинг аҳамияти ривожланишнинг турли тарихий босқичларида ўзгаради. Замонавий шароитда энг кучли таъсир, бу - янги технологияларнинг пайдо бўлиши ва такомиллаштирилиши, айниқса улар ижтимоий-иқтисодий ўзаро таъсирнинг янги шакллари билан бирга келганда кўринади.

Юқорида билдириб ўтилган фикрлар Республика банкларини трансформация қилиш орқали иқтисодиётнинг қон-томири бўлган Банк тизимини янада ривожлантириш, мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиб, Банкларнинг даромадлилигини ҳамда аҳолининг Банка бўлган ишончини ошириш мумкин. Бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг бугунги кунда қанчалик долзарб эканлигини билдиради.

Адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахборот технологиялар департаменти директори С. Мелибаевнинг фикрига кўра “Бугунги замонавий дунёда деярли ҳар бир банк рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган бир шароитда асосий иккита тоифадаги фойдаланувчилар кўзга ташланмоқда, яъни булар технологиялардан оддийгина фойдаланадиганлар ҳамда инновациялар қилиш ва кундалик коммуникацияларига ўзгартириш киритиш учун эффектив фойдаланадиганлардир. Дарҳақиқат, бугунги кунда асосий рақобат рақамли технологиялар ўртасида содир бўлиб, "Рақамли тафовут" деб аталадиган вазиятлар яратилмоқда.

Трансформациянинг кейинги вазифалари - Сунъий интеллект ва машинани ўрганиш каби янги тахлилий усуллар ва воситаларнинг мавжудлиги банкнинг молиявий соғлиғи тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлашни тезлаштириш, фойда ўсишини башорат қилиш ҳамда ташқи ва ички ўзгаришларга тезкор жавоб бериш имконини беради. Янги технологиялар бизга кўп йиллик иш давомида тўпланган катта ҳажмдаги маълумотларга бошқача қарашга, улардан самаралироқ фойдаланишга имкон беради - шунинг учун миқозни яхшироқ билиб олинг ва унга тезда арзон ва энг қулай эчимни таклиф қилинг. Айнан шу ёндашув замонавий банкларга рақобатдош устунликка эришиш имконини беради.”¹.

“Finastra” компанияси раҳбари Х. Нирухзаднинг фикрича эса “Ўзгаришлар аввалам бор банк ичида бошланиши керак. Банкнинг бизнес жараёнларидан бошланиши керак. Бизнес-жараёнларни қайта кўриб чиққандан сўнг, ушбу ўзгаришларни қўллаб-қувватловчи технологиялар пайдо бўлади: улар банк ходимларини ўқитади ва миқоз билан малакали ўзаро муносабатларни таъминлайди. Банк филиаллари синхрон равишда ўзгариши керак, чунки миқоз исталган банкда бир хил даражада хизмат кўрсатилишини хоҳлайди. Хизмат кўрсатиш жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиши керак ва бу банкнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади, яъни, автоматлаштиришдан кейин қўлда ишлов бериш жараёни қолмаслиги керак. Миқозларга банкка бормасдан банк хизматларидан фойдаланиш имконини берадиган қулай омниканаллардан фойдаланиш керак”². Мазкур фикрлардан кўришимиз мумкинки бугунги кунда тижорат банкларини трансформация қилинишида рақамлаштиришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Таъкидлаш жоизки банкларнинг трансформация жараёни ҳар доим ҳам мувофақиятли амалга ошмайди. “McKinsey&Company” компанияси томонидан олиб борилган тадқиқотларда банклар томонидан амалга оширилаётган трансформация жараёнларининг атиги 30% мувофақиятли амалга оширилмоқда ва уларнинг аксарияти белгиланган мақсадларга эриша ололмапти. McKinsey фикрича мувофақиятсизликнинг сабаблари қуйидагилар ҳисобланмоқда, яъни банклар йиллар давомида технологияларга инвестициялар киритиб келиб, шу орқали техник қарзлар кўпайиб, парчаланган ва мураккаб ИТ-архитектура шаклланмоқда. Шу билан бирга Банк раҳбарларининг трансформация жараёнига лоқайдлик билан қарашлари, яъни банк раҳбарлари трансформация жараёнида мураккаб интерфейслар ва эски маълумотлар билан янгиликларни интеграциялашни инобатга олмайдилар. Бизнес билан ИТни ажратиш эса режалаштирилган ишларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келади. Ишчи кучларининг эскириши, яъни финтехларга тайёр эмасликлари ва янгиликларга тез мослаша олмасликлари ҳам ушбу жараёни мувофақиятсизликка учрашига сабаб бўлмоқда”³.

“Россиянинг “Business studio” лойиҳалаш ташкилотининг мутахассиси Р. Исаевнинг таъкидлашича миқозларга сифатли хизмат кўрсатилиши биринчи навбатда банкнинг имиджига ва унинг обрўсига таъсир қилувчи омилдир.

Банкларда хизмат кўрсатиш сифати - бу банк билан боғланишда миқозлар эҳтиёжини қондиришга таъсир қилувчи, лекин асосий банк бизнес жараёнларини (маҳсулот ва хизматларни сотиш) амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган механизмлар, тадбирлар, қоидалар ва атрибутлар мажмуидир. Банкда хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш ва яхшилаш бўйича фаолиятни банкнинг асосий (маҳсулот) бизнес жараёнларини амалга оширишдан фарқлаш муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, асосий бизнес жараёнлар миқоз хизмат кўрсатиш сифатидан

¹ Реформирование банковской системы: опыт банковского сектора Узбекистана в переходе на рыночное принципы. (<https://blogs.worldbank.org/ru/developmenttalk/reformirovanie-bankovskoy-sistemy-opyt-bankovskogo-sektora-uzbekistana-v-perekhode/>)

² Трансформация в банках: “Нужно менять бизнес-процессы и манеру мышления”. (<https://ictnews.uz/18/09/2019/banking/>)

³ Why most digital banking transformations fail—and how to flip the odds. (<https://www.mckinsey.com/capabilities/mckinsey-digital/our-insights/tech-forward/why-most-digital-banking-transformations-fail-and-how-to-flip-the-odds>)

қоникқанидан кейин ишга туширилади ва у керакли маҳсулот/хизматни сотиб олиш бўйича қарорни хизмат кўрсатиш сифатидан келиб чиқиб қабул қилади”⁴. Ушбу фикрлардан кўришимиз мумкинки тижорат банкларини трансформация қилишда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларини трансформация қилишнинг ижобий тарафлари билан бир қаторда ушбу жараёнда бир қанча хатарлар ҳам пайдо бўлиши табиий ҳол, Санкт-Петербург политех университетининг профессори

Л. Гузикованинг фикрича бугунги кунда асосий хатарлардан бири бу кибберхатарлардир. “кибберхатарлар нафақат банкларни балким уларнинг мижозларига ҳам таъсир кўрсатади. Банклардаги рақобат молиявий хизматларнинг қулайлигини ва сифатини оширишга мажбур қилади ҳамда шу орқали мижозларнинг мумкин бўлган йўқотишлар бўйича хатарларни оширади. Банк мижозлари банклардаги хизматларнинг сифати, тезлиги, ўзаро алоқаларнинг осонлашиши, хизматлар нархининг пасайиши ва бошқа бир қанча қулайликлар учун қўшимча хатарлар билан тўлайдилар. Мазкур хатарларни камайтириш бўйича регулятор банк, тижорат банклари ва молиявий ташкилотлар томонидан қатъий чоралар кўриш талаб этилади”⁵.

Трансформация жараёнларида вужудга келиши мумкин бўлган хатарлар бўйича Халқаро молия жамғармаси директори Кристин Лагарднинг фикрига кўра “Биз инновацияга ҳалақит қилмаган ҳолда вужудга келиши мумкин бўлган хатарлардан ҳимояланишимиз керак”⁶. Унинг таъкидлашича инновацион молиявий технологиялар молиявий ташкилотлар учун кенг қўламли имкониятлар ва истиқболларни яратади, бироқ ўзига яраша хатарлари ҳам мавжуд. Мисол тариқасида криптоактивларни келтириб, унинг имкониятларни санаб ўтиб, ўзига яраша хавфларини ҳам кўрсатиб ўтган, яъни криптоактивлар қимматли қоғозлар савдосидан тортиб, хориждаги қариндошларга пул жўнатишларгача бўлган операцияларни тезроқ ва арзон амалга ошириши билан бирга, ушбу активлар ноқонуний мақсадларда ҳам ишлатилаётганлигини кўрсатиб ўтган.

Юқоридаги мутахассислар ва иқтисодчи олимларнинг фикрларини ўрганган ҳолда қайд этиш лозимки, Тижорат банкларини трансформация қилиш ва анъанавий банк хизматлари кўрсатиш билан бирга, банк хизматларининг инновацион усулига ўтиш долзарб масала эканлиги яққол кўриниб турибди. Айниқса бугунги кунда технологияларнинг тез ривожланиши ва инсон тафаккурининг ўсиб бориши банкларнинг бозор талабидан келиб чиқиб мослашувчан хизмат турларини ишлаб чиқиши ва мижозларга хизмат кўрсатиш жозибadorлигини оширишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Тижорат банкларида трансформация жараёнларни ўрганишда кўрсаткичларни солиштириш, таққослаш, экспериментлар, кузатув, статистик таҳлил ва сўровномалар, свод таҳлили ҳамда бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, республикадаги давлат улуши мавжуд тижорат банклари бозор шароитига мослашишга ҳаракат қилаётган бўлсада, тан олиб айтишимиз керакки бугунги кунда хусусий тижорат банклари хизмат кўрсатиш сифати бўйича ҳам, хизмат турлари бўйича ҳам даромадлилик даражаси бўйича ҳам давлат банкларига нисбатан яхшироқ натижаларни кўрсатиб келмоқда.

⁴ Способы обеспечения и улучшения качества обслуживания клиентов банка. (https://www.businessstudio.ru/articles/article/sposoby_obespecheniya_i_uluchsheniya_kachestva_obs/)

⁵ “Новая финансовая реальность: Цифровая трансформация в банковском секторе” Л. А. Гузикова (<https://core.ac.uk/download/pdf/268997511.pdf>)

⁶ Трансформация денег”- Финансы и развитие-июнь 2018, «Регулирование финансовых технологий» (<https://www.imf.org/external/russian/pubs/ft/fandd/2018/06/pdf/fd0618r.pdf>)

1-жадвал

Ўзбекистон тижорат банкларининг соф фойдаси кўрсаткичлари⁷

№	Банк номи	Соф фойда		
		2022 йил (млрд. сўм)	2023 йил (млрд. сўм)	ўсиш %да
1	Ўзмиллийбанк	2 410	1 717	-28,8%
2	Капитал банк	1 080	1 630	50,9%
3	Ҳамкор банк	735	1 200	63,2%
4	Ўзсаноатқурилишбанк	589	912	54,8%
5	Ипотека банк	1 157	819	-29,2%
6	Траст банк	605	800	32,2%
7	Агробанк	609	751	23,3%
8	Ипак йўли банк	470	740	57,3%
9	Ориент Финанс банк	453	608	34,4%
10	Алоқа банк	228	608	166,1%

Юқоридаги жадвалда кўриш мумкинки, соф фойда кўрсаткичлари бўйича хусусий банклар давлат банкларига нисбатан анча актив ҳисобланади, 2023 йил якуни бўйича юқори ўнталикни асосан хусусий банклар эгалламоқда, яъни хусусий банкларнинг активлари давлат банкларига нисбатан анчагина пастроқ бўлсада, соф фойда кўрсаткичлари бўйича эса анчагина шиддатлироқ кўринмоқда.

Мисол тариқасида Тижорат банкларининг активлари ва капиталига нисбатан соф фойдасининг рентабеллигини (ROA, ROE) куйидаги жадвалда кўриб чиқамиз:

2-жадвал

Ўзбекистон тижорат банкларининг рентабеллик кўрсаткичлари⁸

№	Банк номи	Актив	Капитал	Соф фойда	ROA	ROE
		(2023 йил)	(2023 йил)	(2023 йил)		
		млрд. сўм	млрд. сўм	(млрд. сўм)	%да	%да
1	Капитал банк	41 866	4 226	1 630	3,9%	38,6%

⁷ Ўзбекистон банкларининг 2023 йилги молиявий натижалари – солиштирма инфографика (<https://bankers.uz/news/1353>)

⁸ Ўзбекистон банкларининг 2023 йилги молиявий натижалари – солиштирма инфографика (<https://bankers.uz/news/1353>)

2	Азия Альянс банк	8 029	845	321	4,0%	38,0%
3	Давр банк	6 130	1 006	371	6,1%	36,9%
4	Траст банк	9 450	2 244	800	8,5%	35,7%
5	ЎзКДБ банк	8 845	1 311	430	4,9%	32,8%
6	Ҳамкор банк	20 980	3 758	1 200	5,7%	31,9%
7	Ориент Финанс банк	13 126	2 248	608	4,6%	27,1%
8	Ипак йўли банк	16 866	2 752	740	4,4%	26,9%
9	Анор банк	4 418	582	140	3,2%	24,0%
10	Алоқа банк	16 045	2 643	608	3,8%	23,0%
11	Универсал банк	2 392	418	96	4,0%	22,9%
12	Инвест Финанс банк	9 571	1 180	250	2,6%	21,2%
13	Октобанк	2 367	479	75	3,2%	15,6%
14	Ипотека банк	47 638	7 579	819	1,7%	10,8%
15	Ўзсаноатқурилишбанк	74 634	8 728	912	1,2%	10,4%
16	Ўзмиллийбанк	127 503	17 849	1 717	1,3%	9,6%
17	Бизнесни ривожлантириш банки	27 063	3 180	236	0,9%	7,4%
18	Агробанк	66 700	12 297	751	1,1%	6,1%
19	Халқ банки	36 603	5 883	249	0,7%	4,2%
20	Асака банк	58 014	6 668	151	0,3%	2,3%


Мазкур жадвалдан шуни кўриш мумкинки рентабеллик кўрсаткичи бўйича ҳам биринчи ўнтакликни фақатгина хусусий банклар эгаллаган, яъни давлат банкларининг кўрсаткичлари анча паст ҳисобланмоқда. Мисол учун Ўзмиллийбанкнинг капитали ва активлари республикамиз тижорат банклари ичида энг каттаси бўлсада, бироқ, ROA ва ROE кўрсаткичлари бўйича тижорат банклари бўйича 16 ўринда турибди, ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Капиталбанк активлари 41,9 трлн. сўмни ташкил қилиб, 1,6 трлн. сўм миқдорида соф фойда кўрган бўлса, Ўзмиллийбанк эса 1,7 трлн. сўм фойда кўриши учун 127,5 трлн. сўм миқдорида активлар талаб этилган. Ушбу ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, хусусий банкларнинг бозор шароитига мослашувчанлиги, хизматлар сифатининг юқорилиги ва хизматларнинг хилма-хиллиги ҳамда анъанавий хизматлар кўрсатишдан аллақачон воз кечиб, ўзларининг фаолиятини трансформация қилишлари, миқдорларга жозибали кўринишига ҳамда пировард мақсадларга эришишга асосий туртки бўлмоқда. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки Давлат банклари рентабеллигининг кўрсаткичлари хусусий банкларга нисбатан пастлиги ушбу банкларда Давлат дастурларнинг ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштиришлари банк кўрсаткичларига салбий таъсир қилмоқда.

Шунинг учун ҳам давлат улушидаги тижорат банкларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2020 йил 13 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Чунки айнан давлат улушидаги тижорат банкларининг капитали, активлари ва бошқа кўрсаткичлари бўйича Республикада етакчи ўринларни эгаллайди.

Расм-1

Тижорат банкларининг асосий кўрсаткичлари⁹ (млрд. сўм)



Ушбу диаграммада Давлат улушидаги тижорат банкларининг асосий кўрсаткичлари хусусий банкларга нисбатан анча юқори эканлигини кўриш мумкин, яъни давлат улушидаги тижорат банкларининг потенциаллари бошқа банкларга нисбатан янчагина юқоридир. Давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг активлари 450,0 трлн. сўмга яқинлашган бўлса, кредитлар салмоғи 300 трлн. сўмдан ошиб кетган. Бошқа банкларнинг активлари эса 2 баробар кам бўлиб, 200 трлн. сўм атрофида шаклланганлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам Президентимиз топшириқларига асосан давлат банкларини хусусийлаштириш ва трансформация қилиш орқали уларнинг самардорлигини ва рентабеллигини ошириш асосий мақсадлардан бири ҳисобланмоқда.

Хулоса: Тижорат банкларини трансформация қилиш ва унинг кредитлаш фаолиятига таъсирига доир амалга оширилган ўрганишлар асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 майдаги ПФ-5992-сонли фармони ижросини таъминлаш ва Республикада банк соҳасини ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини рақамлаштириш, рақобат ҳудудини яратиш мақсадида тижорат банкларини трансформация жараёнларини яқунлаш мақсадида хусусийлаштириш жараёнларини қисқа фарсатлар ичида тўлиқ амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бугунги кундаги геосиёсий ҳолатлар, шу жумладан Россия ва Украина ўртасидаги низолар асосида АҚШ ва Европа иттифоқи томонидан Россияга қарши қабул қилинган бир қанча иқтисодий санкциялар натижасида юзага келаётган иқтисодий танглик ҳолатларни инобатга олиб,

⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2024 йил 1 январь ҳолатига маълумоти (<https://cbu.uz/uz/statistics/bankstats/1569329/>)

тижорат банклари томонидан трансформация жараёнида ишлаб чиқилган узоқ муддатли стратегиясини қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Республикамиздаги тижорат банклари томонидан ўз улуши билан шерикчилик асосида қатнашган инвестиция лойиҳалар бўйича жамият уставига киритилган ўз улушини хусусий секторга сотиш ва лойиҳаларнинг эгаллик ҳуқуқини хусусий секторга топшириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки ушбу ҳолатлар бизнесда шерикчилик тушунчасини вужудга келтириб, бизнес эгалари томонидан фаолиятни олиб бориш бўйича келишмовчиликлар юзага келиши мумкинлиги ҳамда лойиҳанинг эгаллик қилиш хисси йўқолиши лойиҳа ривожланишига тўсқинлик қилиш эҳтимолини келтириб чиқаради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони.
2. Скиннер К. “Будущее банкинга” – Муқаддима-2007.
3. Global digital yearbook. Essential digital data for every country in the world.
4. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунуни (Ўзбекистон Республикаси қонунчилик миллий базаси 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон).
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2015 йил 14 июлдаги 2696-сонли “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги” низоми.
6. Ўзмилийбанкнинг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботи ва расмий вэб саҳифасидаги маълумотлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 декабрдаги ПҚ-459-сонли қарори.
8. Why most digital banking transformations fail—and how to flip the odds.- вэб саҳифасидаги мақоласи.
9. Способы обеспечения и улучшения качества обслуживания клиентов банка.- businessstudio вэб саҳифасидаги мақоласи.
10. “Международная банковская деятельность в условиях цифровизации Экономики” А. Карагодин автореферати.
11. “Банковский менеджмент и бизнес инжиниринг” Р. А. Исаевнинг китоби.
12. “Трансформация денег”- Финансы и развитие-июнь 2018, “Киберпреступность приобретает индустриальный характер” мақоласи.
13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг вэб саҳифаси.
14. Ўзбекистон банкларининг 2023 йилги молиявий натижалари – солиштирма инфографикаси “Bankers” вэб саҳифаси.